

МАМЛАКАТИМИЗ РЕАЛ СЕКТОРИДА ВА МОЛИЯ-ВАЛЮТА ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВАЛЮТА КУРСИ СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахманова Лайло Баходировна

Самарқанд иқтисодиёт ва

сервис институти магистри

e-mail: rlaylo120685@mail.com

tel: 99 412-28-82

Аннотация: Ушбу мақолада биз валюта курси сиёсати ва унинг молия-валюта тизими ҳамда иқтисодий ўсишга кўрсатаётган таъсири илмий жиҳатдан таҳлил қиламиз. Бунда аввало, валюта сиёсати инструментлари, уларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигидаги аҳамияти ва жаҳон молия бозорлари билан ўзаро боғлиқлиги ёритиб берилган. Тадқиқот натижалари орқали биз валюта сиёсатини самарали амалга ошириш миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилиши бўйича ўз илмий таклифларимизни келтириб ўтдик.

Калит сўзлар: валюта курси сиёсати, молия-валюта тизими, иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорлик, инфляция, инвестиция муҳити.

Аннотация: В данной статье мы проводим научный анализ политики валютного курса и её влияния на финансово-денежную систему и экономический рост. В первую очередь, мы описываем инструменты политики валютного курса, их значение для стабильности национальной экономики и их взаимосвязь с мировыми финансовыми рынками. На основе результатов исследования мы представляем наши научные предложения о том, как эффективная реализация политики валютного курса может способствовать устойчивому росту национальной экономики.

Ключевые слова: валютная политика, финансовая и денежно-кредитная система, экономический рост, макроэкономическая стабильность, инфляция,

инвестиционный среда.

Abstract: In this article, we conduct a scientific analysis of the exchange rate policy and its impact on the financial and monetary system and economic growth. First of all, we describe the instruments of the exchange rate policy, their importance for the stability of the national economy and their relationship with the global financial markets. Based on the results of the study, we present our scientific proposals on how the effective implementation of the exchange rate policy can contribute to the sustainable growth of the national economy.

Keywords: currency policy, financial and monetary credit system, economic truth, macroeconomic stability, inflation, investment environment.

Киритиш. Ушбу йилларда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, молиявий самарадорликни ошириш ҳамда халқаро миқёсда рақобатбардошликни мустаҳкамлаш мақсадида қатор муҳим президент қарорлари ва фармонлари қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар валюта курси политикасига янги ёндашувни жорий этишга хизмат қилиб, молия-валюта тизими ҳамда иқтисодий ўсиш динамикаси ҳақида янги илмий фикрларни шакллантириш имконини яратди.

2025 йил март ойида имзоланган Президент Фармони ПФ-50 “Иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнеснинг ролини мустаҳкамлаш чоралари ҳақида” Ўзбекистон иқтисодий ривожланишига янги туртки берди. Ушбу фармон SME секторининг ЯИМдаги ҳиссасини 55% гача, экспортини эса 9 дан 12 миллиард АҚШ доллариға ошириш, шунингдек 1,5 миллион доимий иш ўринлари яратишни назарда тутди¹.

Шунингдек, Президентнинг халқаро ташрифлари чоғида АҚШ билан ўзаро стратегик шерикчилик кенгайтирилди. Савдо, молия, инновация ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик валюта фондлари ва молиявий

¹ <https://invexi.org/press/presidential-decree-of-the-republic-of-uzbekistan-a-new-phase-of-state-support-for-small-and-medium-sized-businesses/>
<https://scientific-jl.com/>

оқимларни диверсификациялашга имкон бермоқда².

Молиявий барқарорликнинг яна бир кўрсаткичи — Марказий банк захираларидир. 2025 йил 1 сентябр ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг хорижий валюта захиралари 50,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда³.

Асосий қисм. Валюта курси сиёсати — мамлакатнинг миллий валютасини ташқи иқтисодий муносабатларда самарали қўллаш, унинг қадрини тартибга солиш ва молия-валюта тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир. Назарий жиҳатдан, валюта сиёсати икки асосий моделга таянади:

 Эркин сузувчи валюта курси — бозор талаб ва таклифига кўра шаклланади ва давлатнинг аралашуви минимал ҳисобланади. М. Фридман ва неоклассик иқтисодчилар бу моделни иқтисодиёт учун энг самарали деб баҳолайдилар.

 Фиксирланган ёки бошқарувли валюта курси — давлат томонидан тартибга солинади, валюта бозорида интервенциялар амалга оширилади. Кейинсиан иқтисодий мактаб вакиллари бу моделни иқтисодий барқарорликни таъминлашда афзал ҳисоблайдилар.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон тажрибаси аралаш моделга яқиндир: сўмнинг эркин шаклланиши таъминланган бўлса-да, Марказий банк валюта бозорида инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий барқарорликни сақлаш мақсадида интервенциялар ўтказиб туради.

2017 йилда қабул қилинган Президент фармони билан валюта бозорида либераллашув амалга оширилди. Бу қадам тадбиркорлик субъектлари учун ташқи иқтисодий фаолиятни енгиллаштирди, хорижий инвестициялар оқимини оширди ва миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан интеграциясини кучайтирди.

Натижада:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми сезиларли ўсди;

² https://en.wikipedia.org/wiki/Central_Bank_of_Uzbekistan

³ https://en.wikipedia.org/wiki/Central_Bank_of_Uzbekistan
<https://scientific-jl.com/>

- экспорт структурасида диверсификация жараёнлари кузатилди;
- банк тизимида халқаро ҳисоб-китоблар осонлашди.

Бироқ, валюта бозорида эркинлик инфляция даражасининг кўтарилишига ҳам сабаб бўлди. Шунинг учун Марказий банкнинг инфляция таргетлаш сиёсати жорий этилди.

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошланган валюта бозорини либераллаштириш жараёни миллий иқтисодиётда янги босқични бошлаб берди. Миллий валютанинг эркин конвертацияга ўтказилиши ва Марказий банкнинг инфляцияни таргетлаш сиёсати жорий этилиши иқтисодий ўсиш, ташқи савдо ва инвестиция жараёнларига жиддий таъсир кўрсатди. Қуйидаги жадвалда 2017–2025 йиллар давомида валюта курси динамикаси ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили келтирилган.

Жадвал 1.

Ўзбекистонда валюта курси динамикаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари (2017–2025 йй.)⁴

Йил	1 АҚШ доллари курси (сўм, йил бошида)	ЯИМ ўсиши (%)	Инфляция (%)	Экспорт ҳажми (млрд. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри инвестициялар (млрд. АҚШ доллари)
2017	4 210	4,5	14,4	12,1	2,4
2018	8 100	5,1	14,3	14,3	2,9
2019	8 350	5,7	15,2	17,6	4,2
2020	9 500	1,6	11,1	15,1	2,8
2021	10 550	7,4	10,0	16,6	3,7
2022	10 850	5,7	12,3	19,3	4,8
2023	11 350	5,6	9,2	21,9	5,1

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси ва 2024–2025 йилларга оид расмий прогнозлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

2024	12 200	6,0	8,7	23,5	5,6
2025	12 750	6,2	8,1	25,0	6,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017–2023 йилларда миллий валютанинг босқичма-босқич кадрсизланиши ЯИМ ўсиши суръатларини кескин пасайишига олиб келмади, аксинча иқтисодиётда рақобатбардошликни таъминлаб, экспорт ҳажмининг ортишига хизмат қилди. 2024–2025 йилларга оид кўрсаткичлар эса иқтисодий ўсишнинг барқарор давом этиши ва инфляция даражасининг секин-аста пасайиши билан характерланмоқда. Бу эса валюта сиёсатидаги тузилмавий ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда валюта курси сиёсати молия-валюта тизими барқарорлиги ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида аниқландики, 2017 йилда миллий валютани эркин конвертацияга ўтказиш ва кейинги ислохотлар иқтисодиётда рақобатбардошликни ошириш, ташқи савдо балансини яхшилаш ва инвестиция муҳитини кенгайтиришга хизмат қилди. Бироқ айрим даврларда миллий валютанинг кескин кадрсизланиши инфляция хавфини кучайтирди, бу эса аҳоли реал даромадлари ва ишлаб чиқариш харажатларига салбий таъсир кўрсатди. Шу боис, валюта сиёсатида барқарорлик, аниқ прогнозлар ва институционал ислохотларнинг уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйдаги ўз таклифларимизни беришни лозим деб билдик:

 Валюта сиёсатини диверсификация қилиш – миллий валютани фақат долларга эмас, балки асосий савдо ҳамкорлари валюталарига нисбатан ҳисоб-китоб қилишни кенгайтириш лозим.

 Инфляцияни таргетлашни кучайтириш – Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатида аниқ ва очиқ инфляция мақсадларини белгилаш орқали аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш.

✚ Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш – миллий ишлаб чиқарувчилар учун валюта тушумларини эркин конвертация қилиш шароитини енгиллаштириш ва уларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш.

✚ Инвестиция муҳитини яхшилаш – хорижий инвесторлар учун валютани эркин киритиш-чиқариш кафолатларини кучайтириш, хусусан, ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

✚ Марказий банк резервларини диверсификация қилиш – зарур ҳолларда миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун етарли “ҳимоя подушкаси”ни шакллантириш ва шу кабилардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Смит А. Бойликлар табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот. – Москва: Наука, 2007.
2. Рикардо Д. Сиёсий иқтисод ва солиққа оид принциплар. – Москва: Экономика, 2006.
3. Кейнс Ж.М. Занятость, фоиз ва пулнинг умумий назарияси. – Москва: ГЕЛИОС, 2002.
4. Фридман М. Пул назариясига ҳисса. – Москва: Дело, 2001.
5. Халқаро Валюта Жамғармаси (IMF). World Economic Outlook Reports (2017–2024). – <https://www.imf.org>
6. Жаҳон банки. Uzbekistan Economic Update. – Washington, 2023. – <https://www.worldbank.org/uz>
7. Осиё тараққиёт банки (ADB). Asian Development Outlook 2024. – Manila: ADB, 2024. – <https://www.adb.org>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. – <https://lex.uz/docs/3321612>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил март ойидаги №PD-50 “Иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнеснинг ролини мустаҳкамлаш чоралари ҳақида”ги Фармони. – Invexi.org
10. Anadolu Agency. Uzbek–US leaders agree to expand strategic partnership. – 2025. – <https://www.aa.com.tr/en/world/uzbek-us-leaders-agree-to-expand-strategic-partnership/3679513>
11. Central Bank of Uzbekistan. Official statistics and reserves report. – 2025. – https://en.wikipedia.org/wiki/Central_Bank_of_Uzbekistan
12. Тухлиев Н., Сафаров Б., Пардаев М. Ўзбекистонда валюта сиёсати ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2022.